







30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлар куни

ЖАҲОНДА ЎЗ СЎЗИГА ЭГА БЎЛИШНИ ИСТАГАН ХАЛҚ, АЛБАТТА, ФАРЗАНДЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ ЎСИБ-УЛҒАЙИШИ УЧУН ҚАЙҒУРАДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Президентимизнинг ташаббуси билан 2017 йил 30 июнь куни ташкил этилган эди. Бу қарор мамлакатимизда амалга оширилётган ёшларга оид давлат сиёсатини янги bosқичга кўтариш, ёшлар ҳаёти, уларнинг келажаги учун янги саҳифа очилишида муҳим аҳамият касб этди.



Ушбу, юртимизда Ёшлар куни неча жорий этилди? Бу халқимизнинг азалий орзу-умидлари, маслак-интилишлари билан бевосита боғлиқ. Бугун ушбу байрам боис ёшлар доим халқимиз ва Президентимиз эътиборида, ардоғида эканини яна бир бор юрақдан ҳис этмоқдалар. Уларда эртанги кунга ишонч мустаҳкамланмоқда, эзгу орзу-мақсадлари томон дадил ҳаракат қилишга куч-мадад пайдо бўляпти.

Дарҳақиқат, жaxon айвонида ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлишни истаган халқ ва мамлакат, албатта, фарзандларининг ҳар томонлама баркамол ўсиб-улғайишига эътибор қаратади, қайғуради. Зотан, келажак бугундан бошланади. Мана шундай байрам кунлари юртимизда изчил амалга ошириляётган ёшларга қаратилган давлат сиёсати навқирон авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётганини, йиғит-қизларнинг ҳаётини ўзгартираётганини, уларга умид ва ишонч бахш этаётганини таъкидлаш жоиз.



Рустам НАЗАРМАТОВ олган суратлар.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган Ёшлар иттифоқи бугунги кунда давлат органлари, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда "Ёшлар — келажак бунёдкори" широк остида профессионал фаолият юритишда, десак, адашмаймиз. Жумладан, Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Қонунчилик палатаси ҳузурида "Ёшлар клуби" ташкил этилгани эртанги эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳамиша устувор масала бўлиб келган. Чунки бу замон талаб. Шу нуктаи назардан ўтган давр мобайнида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида 7 243 та бизнес лойиҳага жами 1 534,7 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Президентимиз ҳозирги турмуш шароитидан келиб чиқиб, ҳаётимизни кескин ўзгартирадиган беш муҳим ташаббусни илгари сургани барчамизга аён. Инсонпарварлик, адолат, гурур, инсоний кадр-қиммат, жамият олдидаги ўз инсоний ва ахлоқий бурчини бажаришга интилиш каби маънавий-маърифий қадриятларимиз тизимига таянадиган беш муҳим ташаббус дастлаб Тошкент вилоятининг Бўжа, Қуйи Чирчиқ туманлари, Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида тажриба сифатида жорий этилди. Шунингдек, 42 та туман ва шаҳарнинг 168 та олис ҳамда оғир аҳолидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бу тажриба муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида "Беш ташаббус лойиҳа офиси" фаолияти йўлга қўйилди. Хотин-қизларнинг касб кўникмаларини мустаҳкамлаш,

Гиёҳвандлик — аср вабоси

«Заҳри қотил» йўқ қилинди

Наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё миқёсида ҳар йили гиёҳвандликка қилинган зарари неча юз минг киши ҳаётдан бевақт кўз юмади. Шу боис наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масалалардан.



Мамлакатимизда ҳам бу офатга қарши курашиш изчил йўлга қўйилган. Хусусан, ҳар йили Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кўни муносабати билан ҳамда гиёҳвандликка қарши курашиш ойлари доирасида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан мусодара қилинган наркотик моддаларни халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан биргезин гувҳолигида йўқ қилиш яхши наънағига айланган.

1 064 таси гиёҳвандлик ўсимликларини етиштириш, 43 таси бангхоналар очилган билан боғлиқ бўлса, бошқа турдаги наркотиكلар 1 823 тани ташкил этди. Ана шундай жиноятларни содир этганиги учун 105 та ҳолатда 108 нафар чет эл фуқароси қўлга олинган. Бунга қарши курашда мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг муносиб хиссаси бор. Хусусан, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда 333 та наркотиқни аниқлиниб, 377 килограмдан кўпроқ гиёҳвандлик воситалари мусорада қилинган.

Кеча Давлат хавфсизлик хизмати томонидан шундай тадбирларнинг навбатдагиси ташкил этилди. Унда мутасадди идоралар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Таъкидланганидек, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар ва ёшларини

Иштирокчилар томонидан юртимизда бу йўналишда олиб бориляётган ишлар эътироф этилгани ҳолда, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бундан кейин ҳам ҳуқуқ-тартибот идораларининг энг долзарб вазифаларидан бўлиб қолгани кайид қилинди. Тадбирда салкам 627 килограмм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

«Халқ сўзи»

Алиқон УТАРБЕКОВ олган сурат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

MIKROKREDITBANK advertisement with text: «МИКРОКРЕДИТБАНК» ЖАМОАСИ 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ САМИИЙ ТАБРИКЛАЙДИ! Includes image of a hand holding a smartphone and a shopping cart with a microwave.

NBU (Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки) advertisement with text: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий Банки» Акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида. Includes contact information and a list of 9 items for the general meeting.

«Халқ сўзи» Народное слово publication information. Includes contact details for the editor-in-chief, phone numbers, and a QR code for the subscription.

«ОНЛАЙН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ» advertisement for Mikrocreditbank. Text: Юртимиз ривожини йўлидаги машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Includes details about online credit services and contact info.

«ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси advertisement. Text: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Касаба уюшма қўмитаси ҳамда ЎЗМУ ҳузуридаги Биодизика ва биокимё институтини жамоалари биология фанлари доктори, академик Бежон Ойбекович ТОПМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлари-га чўқур таъзия изҳор этади.